

**ТАСВИРИЙ САНЬАТНИ ЎҚИТИШДА КЛАСТЕР ҲАМКОРЛИГИНИ ЙЎЛГА
ҚЎЙИШНИНГ АҲАМИЯТИ (Мусиқа ва санъат мактаблари мисолида)**

Мирсоатова Лайло Ўткир қизи
Чирчиқ давлат педагогика университети
“Тасвирий санъат ва амалий безак”
йўналиши 2-курс магистранти

Аннотация: мазкур мақола мусиқа ва санъат мактабларининг тасвирий санъат ўйналишидаги ўқувчиларни ёш ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда индивидуал таълим бериси, олий таълим ва мактаб ўртасидаги кластер ҳамкорлигини мувофиқлаштириши, инновацион таълим асоссида ўқитишининг самарааси ёритилган.

Калит сўзлар: тасвирий санъат, индивидуал таълим, методика, ижодий жараён, методик қўлланмалар, кластер, инновацион ўқитиши, дидактик воситалар.

Сўнгги йилларда Республикаизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унга илғор хорижий тажрибалар ва инновацияларни татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисидаги ПФ-5847-сон Фармонида халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш белгилаб берилган эди. Ушбу хужжатда яна “олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда кластер усулида фаолият юритишини ташкил этиш” ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганлигини кўрамиз.

Ўзбекистонда қизиқишлиари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган мусиқа ва санъат мактаблари кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мактабларга асосан умумтаълим мактабларида ўқийдиган иқтидори юқори, истеъдодли болалар ва ўсмиirlар ўқишади. Ҳар қандай фаолиятда ютуқ бўлиши билан бирга ўзига яраша камчиликлари ҳам мавжуд бўлади. Мана шундай қарама-қаршилик бор экан, уни бартараф этиш учун инсон ўйланади, изланади, ўз фаолияти, жамият тараққиётини яхшилашга ҳаракат қиласи.

Биз бу мақоламизда ушбу мактаб фаолиятида мавжуд муаммолар ва уни бартараф этиш йўлларини баён қилишга ҳаракат қиласи. Санъат мактабларида боланинг ёшини кенг қамровда олинганлиги сабабли ўқитувчиларга талайгина қийинчилик олиб келади. Бу вазиятда ёши, жисмоний ва физиологик жиҳатдан имкониятларида фарқ бўлган ўқувчиларга дастур бўйича бир хил дарс бериш жуда мушқул. Бунинг устига бу дарсларни умумтаълим мактабларида бошланғич таълим, ўрта таълим ва юқори



синфларда берилаётган дарслар билан уйғунлаштириш ҳам муаммо. Бундай шароитда тасвирий санъат ўқитувчиси умумтаълим мактабларидағи дастурлар билан яқиндан танишган бўлиши, муаммони кўра олиш, таҳлил қилиш ва унинг тезкор ечимини топишга тайёр туриши керак. Бунинг учун албатта, таълим тизимиға жорий қилинаётган охирги янгиликлар, хорижий тажрибалар, миллий санъатимизга тегишли анъанавий усулларни яхши билиши лозим. Барчамизга маълумки юртимизда азалдан “Устоз-шогирд” анъаналариға асосланган ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиб келинган. Ҳозирги давр талабида ўқувчилар билан индивидуал ишлашга катта эътибор берилмоқда. Бу эса бизнинг тарихимизда кенг тарқалган кенг тарқалган “Устоз-шогирд” анъаналарини синчиклаб ўрганишимизни талаб қилинади.

Дарҳақиқат, мана шундай ёндашув асосидагина биз юқоридаги муаммолар ечимини топиш мумкин деб ўйлаймиз. Хорижий тажрибаларга асосланган инновациялар сифатида кластер модели, миллий анаъаналар сифатида “Устоз-шогирд” тизими ўқувчилар билан индивидуал ишлаш, уларнинг тасвирий санъатга қизиқишилари ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин. Таълим бир-бирини тўлдирувчи қўплаб мустақил ва ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат мураккаб тизим ҳисобланади. Қарама-қарши таъсир натижасида ҳар қандай тизим самарали ишлайди. Ҳақиқатдан ҳам ҳаракатсиз борлиқ йўқ, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар натижасида у ҳар доим ҳаракатга, ўзгаришга маҳқум. Шунинг учун мактаб ва олий таълим ҳамкорлик шаклларини ривожлантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шериклик учун ўқув жараёнини ташкил қилишда кластер моделидан фойдаланишни тавсия қилиш мумкин. Бу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи таълим-тарбиясига оид муаммонинг ечими маҳсус санъат мактаби, умумтаълим мактаблари фан ўқитувчилари, олий таълим профессор-ўқитувчилари ва ота-оналар ҳамкорлигига ҳал этилади.

Ўқувчининг салоҳияти ва унинг санъатга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида олий таълим билан ҳамкорликда кластер асосида ишлаш йўлга қўйилган. Бунда мусиқа ва санъат мактабларида кластердан унумли ва самарали фойдаланиш орқали очиқ дарслар ва галереялар ташкиллаштирилади. Педагогикадаги янгиланиш жараёнларини таълим амалиётига татбиқ етиш ўзига хос мураккаб, кўп қиррали муаммолардан бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга.

Бунда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти, жараён мақсади, мазмуни, методи, шакли, натижаси, шарт шароитлари, технологиялар ва уни бошқаришга самарали таъсир етади. Билвосита ўқитувчи маҳорати, дидактик воситалар, замонавий таълим технологиялари таълим-тарбия амалиётидаги муаммолар ечими бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган қўрсатмаларга ёндашган холда тасвирий санъат маҳоратни мустаҳкамлашдан ташқари тасвирий санъат машғулотларини самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни санъатга қизиқишиларини ошириш мақсадида қўйидагиларга эътибор қаратиш зарур:



- Тасвирий санъатни ўқитишида қизиқарли ва сермазмун мавзулар танлаш ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишиларини янада орттиради.

- Санъат мактабларда ўқувчилар замонавий хориж технологияларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган бир қанча турдаги бўёқлар, декоратив безак ишларини ёрқинлик даражасини оширувчи турли чизиш воситаларидан фойдаланишни кучайтириш лозим.

- Бундай ашёлар билан ўқувчиларда бадиий фаолиятини активлаштиради. Санъатга қизиқишиш уйготади.

Хулоса ва таклифлар.

Маълумки, таълим-тарбия соҳасида педагогик технологияларда тасвирий санъатни ўқитишида фойдаланиш ва унинг самарадорлигига эришиш учун хам ўзига хос дидактик жараённи ўрганиб чиқиши зарур бўлади. Санъат мактабда тасвирий санъатни ўқитишида педагогик технология масаласи билан ҳозиргача бирор-бир ўринлироқ илмий асар ёки методик - дидактик қўлланмана чоп этилани йўқ. Шунинг учун бу масалада мулоҳаза юритиш учун масала кенгроқ ўрганилиб, сўнгра тасвирий санъатни ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланиш масаласи таҳлил қилинишини лозим.

Мусиқа ва санъат мактабларида тасвирий санъатни ўқитиши методикасини такомиллаштиришда кластер ёндашувини татбиқ этишнинг узлуксиз таълим субъектларининг ўзаро узвийлиги катта аҳамиятга эга. Махсус санъат мактаби, умумтаълим мактаблари фан ўқитувчилари, олий таълим профессор-ўқитувчилари ва ота-оналар ҳамкорлигига ўқувчини тасвирий санъатга қизиқтириш ва сифатли таълимни амалга ошириш мумкин.

Таклифим: мусиқа ва санъат мактабларида тасвирий санъатни ўқитиши методикасини такомиллаштириш ва методик қўлланмалар яратиш учун педагогика ОТМлари профессор-ўқитувчилари илмий салоҳиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИYOTLAR:

1. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон;

2. Султанов Х.Э. Тасвирий санъат таълимида инновацион кластер ёндашуви //Монография Т.:“VNESHINVESTROM” МЧЖ, - 2022. – 130 б.

3. Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири //Замонавий таълим / Современное образование 2022, 9 (118). -50-56 б.

4. Султанов Х.Э., Бердиев Д.А. “Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш” / Научный журнал “Интернаука” № 15 (238) 2022 г. № 68554. 13-15 стр.



5. Султанов Х.Э., Мирсоатова Л.У. Механизм инновационной деятельности в сфере непрерывного образования // ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021 ISSN: 2181-1385. 1240-1247 стр.
6. Султанов Х.Э., Мирсоатова Л. Амалиётдан куч олаётган билим // “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий амалий анжуман илмий ишлар тўплами. II том. Чирчиқ 2019.446-447 б.
7. Laylo Mirsoatova/ Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN -2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;
8. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.Ў., Маматкаrimова М.Т. Кластер ҳамкорлигига ижодий фаолиятни ташкил этишининг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти //Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития образовательного инновационного кластера/ Чирчик, May 20-21, 2022.-613-621 б.
9. Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Абдухамидов Қ.Я., Алимова Н.Ш. Кластер ёндашувидаги «Арт-терапия» таълими - фанлар интеграциясини амалга ошириш омили //Материалы международной научно-практической конференции «Перспективы развития образовательного инновационного кластера/ Чирчик, May 20-21, 2022. -606-613 б.
- 10.S.K. Eralievich, MI Mukhamatsultonovna, BI Saidazimovich, AR Turgunovich, The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education /International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: ст. 6586-6591;
11. Botir Boltabayevich Baymetov, Laylo Mirsoatova Theory and methodology of description of the human body in higher pedagogical education Science and education journal. 2020/8. Str. 467-476.
- 12.Султанов Х.Э. Тасвирий санъат машғулотларида талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш//Замонавий таълим /№11,-2016.: -61 б.;
- 13.Doston Abduvoitovich Berdiyev/ Maktablarda tasviriy san'at fanini o`qitishda kelajak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;
- 14.Imomatova, U. (2022). Mustaqillik tasviriy san'atning ishlab chiqarish tendensiyalari. Fan va ta'lim , 3 (8), 175-182.
- 15.Laylo Mirsoatova Botir Boltabayevich Baymetov. Theory and methods of depicting the human body in higher pedagogical education.2020 / 11 "Science and Education" Scientific Journal November 2020 / Volume 1 Issue 8. Страницы 467-475.
- 16.Botirova S. O. Tasviriy san'at mahoratlarining bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchisini kasbiy tayyorlashdagi ahamiyati //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 736-747.